

## Буюк хазинадан баҳраманд бўлинг!



18:25 / 14.04.2020 1212

Фироқ юки оғир, бағримиз тилди,  
Соғиниб, кўзларга намлик ҳам инди.

Буюк Устоз бўлиб ўтдингиз, энди  
Ҳамма эслаб Сизни «Ҳазратим», дейди...

Эй Аллоҳнинг Каломини тушуниб, қалбига жойламоқчи бўлган дўстим,  
«Тафсири Ҳилол»ни ўқинг!

Эй ҳадис уммони тубига шўнғиб, унинг дуру жавоҳирларидан баҳраманд  
бўлмоқчи бўлган толиби илм, «Ҳадис ва ҳаёт»ни ҳаётингиз мазмунига  
айлантиринг!

Эй шариат илмларини ўрганмоқчи бўлган диндошим, «Кифоя» сизга кифоя  
қилур!

Эй мукамал саодат йўлини излаётган банда, «Мукамал саодат йўли»  
ҳамроҳинг бўлсин!

Эй бахтиёр оила қурмоқчи бўлган ёшлар, «Бахтиёр оила» бахтингиз гарови  
бўлсин!

Эй одоб дарсларидан сабоқ олмоқчи бўлган ўқувчи, «Ижтимоий одоблар»ни ўрганиб, уларга риоя қилинг!

Эй руҳий оламини бойитмоқчи бўлганлар, «Руҳий тарбия» тарбиячингиз бўлсин!

Эй илм хазиналарини изловчи киши, «Одоблар хазинаси» хазина излайдиган конингиз бўлсин!

Эй дунё ҳикматларининг маъзини чақишга ҳаракат қилувчи донишманд, «Хислатли ҳикматлар шарҳи» барча хислатларингизни ҳикматли қилсин!

Эй турли саволларга жавоб изловчи инсон, билмасангиз, «Зикр аҳлидан сўранг»!

Эй ўзига тўғри йўл излаётган мусулмон, мўътадил (васатий) йўлни танла, зеро, «Васатия – ҳаёт йўли»дир! Зинҳор ихтилофга берилманг, «Ихтилофлар: сабаблар, ечимлар»ни излаб топинг! Зеро ҳаммаси «Очиқ хат»да ёзилган! Келгусида адашмаслик учун, «Ислом тарихи»дан бохабар бўлинг! Унутманг, «Мазҳаблар – бирлик рамзи»дир!

Эй мусулмон дўстим «Иймон»ингиз мустаҳкам бўлсин, «Тасаввуф ҳақида тасаввур»га эга бўлинг!

Ҳазратнинг илм уммони ҳақида тасаввурга эга бўлдингизми? Бу уммон тубига шўнғисангиз, яна янгидан-янги дуру жавоҳирлардан баҳраманд бўлаверасиз! Китоб ўқинг! Зеро, китоб – ҳаёт йўлингизни ёритгувчи чироқдир!

**Алишер Эрназаров**